

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Полвонов	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат	188
Б.Ахмаджонов	
Саноат мулки объектларига оид миллий қонунчиликнинг ривожланиши	191
А.Юлдашев	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари	194
И.Исмаилов	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862)	197
Р.Дусчанов	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида)	200
Р.Джураев	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида)	204
М.Темирова	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991)	207
О.Халилов	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан	211
Д.Камбарова	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш	214
Қ.Кахаров	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари	216
Ф. Дадабаева	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси	219
Г. Азамжонова	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири	222
Н.Мерганова	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари	226
М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти	229
А.Зинатуллина	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш	232
Ф.Анварова	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси	235

САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИГА ОИД
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА КАСАТЕЛЬНО ОБЪЕКТОВ
ПРОМЫШЛЕННОЙ СОБСТВЕННОСТИ

DEVELOPMENT OF NATIONAL LEGISLATION RELATING TO INDUSTRIAL PROPERTY
OBJECTS

Б.Ахмаджонов¹

¹Б.Ахмаджонов

— Фарғона давлат университети ҳуқуқшуноси,
юридик фанлар номзоди.

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш борасидаги миллий қонунчиликнинг ривожланиши жараёнлари ёритилган. Шунингдек, саноат мулки объектларини халқаро ҳуқуқий тартибга солиниши, хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий қонунчилигимизни қиёсий таҳлил қилиш орқали миллий қонунчилигимизни ривожлантиришга оид таклиф ва хулосалар илгари сурилган.

Аннотация

В статье описывается развитие национального законодательства в нашей стране по вопросам правовой защиты объектов промышленной собственности и регулирования отношений с ними. Также были выдвинуты предложения и выводы по развитию нашего национального законодательства через международно-правовое регулирование промышленной собственности, опыт зарубежных стран и сравнительный анализ нашего национального законодательства.

Annotation

The article describes the development of national legislation in our country on the legal protection of industrial property and the regulation of relations with them. Suggestions and conclusions on the development of our national legislation through the international legal regulation of industrial property, the experience of foreign countries and a comparative analysis of our national legislation were also put forward.

Таянч сўз ва иборалар: саноат мулки, ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, патент, фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номларига бўлган ҳуқуқ, Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси.

Ключевые слова и выражения: промышленная собственность, изобретение, полезная модель, промышленный образец, патент, название компании, товарный знак, знак обслуживания, право на место происхождения, Парижская конвенция по охране промышленной собственности.

Keywords and expressions: industrial property, invention, utility model, industrial design, patent, company name, trademark, service mark, right to place of origin, Paris Convention for the Protection of Industrial Property.

Мамлакатимизда саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш борасидаги миллий қонунчиликнинг ривожланиши бевосита Ўзбекистон Республикасининг “Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси”га қўшилиши (1991 йил 25 декабрь) ва “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши билан боғлиқдир.

Гарчи мустақиллик йилларида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича мамлакатимизда ўзига хос қонунчилик тизими шаклланган бўлса-да, халқаро ҳуқуқда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий тартибга солиш

масалалари анча илгарироқ ривожланганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Жумладан, “Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси” (1883 йил 20 мартда Париж) 137 йиллик тарихга эга бўлган халқаро ҳужжат сифатида, саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг халқаро меъёрларини ўзида акс эттиради. Париж конвенция билан интеллектуал мулкнинг саноат мулки объектлари номи остида куйидаги объектлари ҳуқуқий муҳофаза остига олинган. Жумладан, ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номларига бўлган ҳуқуқ.

Париж конвенциясига бугунги кунда дунёнинг 170 дан ортиқ давлатлари қўшилган

бўлиб, бу ўз ўзидан ушбу ҳужжатнинг мазкур давлатлар миллий қонунчилигининг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилганлигини англатади.

“Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси” 1883 йил 20 мартда Париж шаҳрида бўлиб ўтган ўн бир мамлакат томонидан имзоланган бўлиб, кейинчалик 1900 йил 14 декабрда Брюсселда, 1911 йил 2 июнда Вашингтонда, 1925 йил 6 ноябрда Гагада, 1934 йил 2 июнда Лондонда, 1958 йил 31 октябрда Лиссабонда, 1967 йил 14 июлда Стокгольмда кўриб чиқилган ва 1979 йил 2 октябрда ўзгартириш киритилган. Давлатимиз ҳам Париж конвенциясининг аъзоси сифатида унинг барча талабларини бажариб келмоқда.

Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича мамлакатимизда 1994 йил 6 майда “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бунга қадар ушбу муносабатлар Собиқ Иттифоқ 1963 йилдаги Гражданлик кодекси билан ва 1991 йил 31 майда “СССРда ихтиролар тўғрисида қонун”лари билан тартибга солинган.

Бу борада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д.проф. О.Оқюлов ўз фикрларини билдириб, 1991 йил 31 майда “СССРда ихтиролар тўғрисида қонун”нинг кучга кириши билан амалдаги Гражданлик кодексига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим бўлар эди. Бироқ СССР иттифоқининг парчаланиши жараёни бошланиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинди, бинобарин ихтиролар тўғрисида СССР қонуни Ўзбекистон ҳудудида юридик кучга эга бўлмади, шу сабабли илмий-техника бозорининг ҳуқуқий замини мамлакатимизда ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонун билан вужудга келди, деб айтиш мумкин. Янги Фуқаролик кодексининг 62-боби (1082-1090-модда) Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ деб номланиб, ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ҳуқуқий мақомининг асослари ўз ифодасини топган” лигини таъкидлайди.

“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги(1994 йил 6 май) қонунининг қабул қилиниши билан саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари, саноат мулки объектларига бўлган ҳуқуқлар, патент олиш тартиби, уларнинг амал қилиши, саноат мулки объектларидан фойдаланиш, улар муаллифларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар ўз ҳуқуқий ечимига эга

бўлди. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари саноат мулки объектларини ташкил этиши ҳам қонунда ўз ифодасини топди.

1997 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси билан “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги (1994 йил 6 май) қонунга илк ўзгартириш киритилди. Унга кўра, дастлаб қонунда фойдали моделга ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи сифатида гувоҳнома берилиши назарда тутилган бўлса, эндиликда барча саноат мулки объектларига бир хил ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи патент берилиши белгилаб қўйилди.

2002 йилнинг 29 августида “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Мазкур қонун қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси талабларига қатъий риоя этилгани ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг нормалари тизимли, кетма-кетликда баён этилган. Шунингдек, айрим нормалар янги қонунда ўз аксини топмаган. Жумладан, интеллектуал мулк давлат фонди, саноат мулки объектини ишлаб чиқишга буюртма бериш, муаллифлар ва уларга яратиш ва фойдаланишда кўмаклашган шахсларни мукофотлаш каби нормалар. Шунингдек, янги таҳрирдаги қонунда дастлабки патент тушунчаси чиқариб ташланди.

Мазкур қонунга 2008 йил 30 июлдаги “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни билан янги “21¹-модда. Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш”, “23¹-модда. Ихтиронинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазаси”, “28¹-модда. саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш” каби нормалар киритилди.

Шунингдек, 2011 йил 26 декабрдаги “Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни билан “Давлат патент идораси” тушунчаси “Интеллектуал мулк агентлиги”га алмаштирилди.

1996 йил 29 августда Фуқаролик кодекси (Иккинчи қисми)нинг қабул қилиниши билан саноат мулк объектлари муаллифларининг ҳуқуқлари доираси кенгайганлигини, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат

намуналари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинмаган айрим қоидаларнинг белгиланишини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Фуқаролик кодексида ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш шarti аниқ баён этилган, яъни “Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади”. Шунингдек, патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш, муаллифлик ҳуқуқи, ҳаммуаллифлик, хизмат ихтиролари, фойдали моделлари, саноат намуналарининг ҳуқуқий мақоми масалалари, патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг шакли, ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида фойдаланиш рухсатномасининг (лицензиясининг) шакли, патентни бузганлик учун жавобгарлик масалалари баён этилган.

1994-2011 йиллар миллий қонунчилигимизда саноат мулки объектларини тартибга соладиган қонунларнинг ишлаб чиқиши ва такомиллашув даври бўлди десак, муболаға бўлмайди. Бироқ миллий қонунчиликни илмий таҳлил этиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини ва хорижий давлатларнинг мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини ўрганиш, бу борада етакчи олимларнинг тадқиқотларини чуқур назарий тадқиқ этиш, миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш, улардаги мавжуд зиддиятларни бартараф этиш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Юқорида, Париж конвенцияси билан тартибга солинадиган саноат мулки объектлари таркиби бир мунча кўп ва хилма-хил эканлигини айтиб ўтган эдик. Бироқ мамлакатимиз қонунчилигида халқаро ҳуқуқда эътироф этиб келинаётган саноат мулки объектлари тушунчаси бирмунча бузиб талқин этилаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бинобарин, халқаро ҳуқуқда саноат мулки объектлари таркибига миллий қонунчилигимиздаги каби ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида ташқари, фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси,

товар келиб чиққан жой номларига бўлган ҳуқуқлар ҳам киритилади ва ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Мамлакатимизда фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номларига бўлган ҳуқуқлар саноат мулки объектлари доирасидан ташқарида алоҳида ҳуқуқий тартибга солинган.

Аксарият хорижий давлатлар қонунчилигида ихтиролар, фойдали моделлар ва санат намуналари миллий қонунчилигимизда қўлланилганидек, патент бериш билан ҳуқуқий муҳофаза остига олиниши билан, саноат мулкининг мазкур объектларини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари “патент ҳуқуқи” номи остида бирлаштирилган. Жумладан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Беларусия, Малдова, Хиндистон, Япония, Ирландия, Канада, АҚШ каби давлатларда ихтиро, фойдали модел ва саноат намуналари “Патент қонуни” билан тартибга солинади. Масалан, 1999 йил 16 июлдаги Қозоғистон Республикасининг Патент қонуни.

Шунингдек, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддаси “ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини саноат мулки объектлари” деб назарда тутди. Фуқаролик кодексининг 62-боби “Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ” деб номланади. Фуқаролик кодекси ва қонун ўртасидаги ушбу қарама-қаршиликнинг баратарф этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шу маънода, аввал интеллектуал мулк соҳасида тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқотлари натижаларида илгари сурган таклифларини қўллаб қувватлаган ҳолда, Фуқаролик кодексининг 62-боби номланишини (Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ) “Патент ҳуқуқи” деб, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунни “Патент тўғрисида”ги қонун деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар:

1. О.Оқюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. Т.: ТДЮИ. 2004 й. 114-бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” (янги таҳрири). 2002 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм. 1996 йил 29 август.
4. <https://www.wipo.int/treaties/ru/ip/paris/> интернет сайти
5. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_ интернет сайти
6. <https://online.zakon.kz/document/>

(Тақризчи: Т.Абдуллаев — фалсафа фанлари доктори, профессор).